

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакни буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@uzpak.uz • 2002 йил 24 октябрь, №230 (3058) • Пайшанба



Олий Мажлисида

Олий Мажлисининг IX сессиясидан кейин ҳам икки ой ўтди. Четдан қараганда, икки сессия оралмиғидеги давр кўмиталарда сокин кечяётгандай. Аслида-чи?

Қонун ижроси билан кучли

— Аслида, икки сессия оралиги ҳар бир кўмига учун том маънодаги масъулиятли давр ҳисобланади, — дейди Атрофмўҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси Қудайберган Жумабеков. — Навбатдаги сессияда қўриладиган ҳар бир масала, аввало кўмиталар томонидан ўрганиб чиқилди. Депутатларга, умуман, ҳалқ муҳофазасига тақдим этиладиган ҳар битта қонун лойиҳаси минг бир чигирқандан ўтказилди. Негаки, қабул қилинган эртага у қонун мақомига олади. Қонун эса мамлакат тараққиёти, фаровонлигига хизмат қилмоғи керак. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, кўмиталарда фаолият юритаётган депутатлар олдида энг катта масъулият — қонунлар лойиҳасини тайёрлаш, қонунлар ижросини текшириш сингари жиддий масалалардир. Битта мисол, Олий Мажлисининг IX сессиясидан сўнг кўмига аъзолари ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ҳамкорлигида «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкет вилоятидаги ижроси масаласини кўриб чиқди. Текширишлар давомида қонун ижроси борасида кўпгина илҳомий ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Шулардан бири, тадбиркорлар томонидан ўз маблагини ҳисобидан экологик экспертизанинг ижобий хулосаларисиз қурилиш ишлари олиб боришларига етарли аҳамият берилмаётгани...

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Президент маърузасини ўрганишга бағишланди

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеги мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича назарий семинар ўтказилди. Анжуманда буюк неъмат — мамлакат тинчлиги ва осойишталигининг қадрига етиш ва мустақамлаш, барча жабдаларда изчил амалга ошириладиган ислохотларни янада жалдлаштириш, давлатимиз хавфсизлигини турли ташқи таҳдидлардан сақлашни таъминлаш, ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва илдатларга барҳам бериш юзасидан кенг фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, ЎзА мухбири.



Меҳнатидан бахт топган аёл

Сафийхон Раҳимова Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси. Билимдон, ташаббускор, қабатидоғиларга қайишадиган, айни чоқда талабчан раҳбарлардан. У ишни оддий нахтакорликдан бошлагани учунми, деҳқончилик сир-асрорларини пухта билди.

У бошлиқ жамоа деҳқонлари бу йил галладан мўл ҳосил етиштириб, юзлари ёруғ бўлди. 328 гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 52 ўрнига 67 центнердан хирмон қўтарилди. Пахта терими ҳам қизгин давом этмоқда. Бугунги кунга қадар ҳосилдорлик 36 центнерга етди.

СУРАТДА: Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси Сафийхон Раҳимова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ташкилий кўмига мажлиси

2002 йил 6 октябрда Душанбедаги саммитда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари томонидан Тошкентда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатларнинг биринчи Бизнес-анжуманини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур қарорни ижро этиш доирасида Тошкентда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар Бизнес-анжуманини ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов бошқарган мажлисида Қозоғистон,

Қирғизистон, Тожикистон ҳукуматлари вакиллари ҳамда Жаҳон, Осиё ва Европа банклари ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди. Бизнес-анжумани ўтказиш мудири, дастури, унга тайёргарлик қириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар муҳокама этилиб ва тасдиқланди.

Ташкилий кўмига мажлиси қатнашчилари томонидан таъкидландики, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатларнинг биринчи Бизнес-анжумани Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркорлари ўртасида доимий мулоқотни бошлаш ва ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам асос яратиши, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни юксалтириши, қўшма корхоналарни қўлайлаштириши, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши, минтақавий савдонини ривожлантиришга қаратилган инвестиция муҳитини, ин-

фратузилмани, ахборот таъминотини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилиши зарур.

Ўз навбатида халқаро молия ташкилотлари вакиллари Бизнес-анжуманда иштирок этишга катта қизиқиш билдириб, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кўчайтиришга тайёрглигини маълум қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан ташкилий кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди. Уларнинг амалга оширилиши «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан билдирилган тавсияларга мувофиқ Бизнес-анжумани муваффақиятли ўтказиш имконини беради.

(ЎзА).

Сўнгги хабарлар

«Бахт» маркази

Анджондаги «Тожметалл» акциядорлик жамияти қошида «Бахт» шаҳри ёшлар маркази ва «Тадбиркор аёл» вилоят ишбилармон аёллар уюшмаси билан «Бахт» хунармандчилик маркази очилди. Унга Германиянинг Майнц шаҳри хунармандлар палатаси молиявий кўмак бермоқда. Хунармандчилик марказида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари тўқини ва тикишини ўрганилади.

Қизилтепа толаси — хорижга

Қизилтепа туманидаги «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти ҳар йили тумандан 30 минг тонна пахта қабул қилиб, ундан ўн минг тонна тола ишлаб чиқаради. Яқинда мазкур корхона маҳсулотининг дастлабки туркумини хорижга жўнатди. Жумладан, Швейцарияга 500 тонна, Бельгияга 400 тонна тола жўнатилади. Айни пайтда корхонада Италияга жўнатиш учун пахта толаси тайёрланмоқда.

Миср пойтахти бўйлаб саёҳат

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ушбу мамлакат мусаввирлари кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма орқали санъат муҳлислари Мисрнинг қадимий ёдгорликлари, урф-одатлари билан яқиндан танишди. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни мустақамлабгина қолмай, аҳоли турмуш тарзи билан ҳам яқинлаштиради.

Мисрлик rassomлар қозоғга туширган Қоҳира тасвирлари Миср пойтахти бўйлаб сизни саёҳатга чорлайди.

Газетада босилмади, аммо...

Ўқувчилар коллежда ўқишяпти

Яқинда таҳририятимизга Хива шаҳрида яшовчи бир гуруҳ она-оналардан шикоят хати келди. Унда қайд этилишича, шаҳардаги М. Миршарапов номидаги 9-мактаб ўрнида касб-ҳунар коллежи ташкил топган эмиш. Агар шундай бўлса, ҳозирги кунда ушбу мактабда уч сменда ўқитган болаларимизнинг тақдирини нима бўлади, дея мактубларини тутатишган улар. Биз мазкур аризани Қораз вилоят ҳокимлигига йўллаганимиз. Кунин кеча ушбу хат қозонилган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. УТАМОВ имзоси билан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилган:

— Арзнома вилоят ҳокимлиги томонидан аффиолича ўрганиб чиқилди. 1967 йилда қурилган ушбу мактабда ҳозир меҳнатчиларнинг 1325 нафар фарзанди таълим олади. Улардан 658 нафари иккинчи сменда ўқийди. Манзилли дастурга мувофиқ, 2002 йил сентябрда ушбу мактаб бизнес негизида 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилди. Маҳалла фуқаролари билан ўтказилган йиғинишларда билдирилган истакларни ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ва ўрта-маҳсу, касб-ҳунар таълими бошқармаси тақлифлари,

шунингдек, Хива тумани ҳокимлигининг 9-умумтаълим мактабининг бошқа бинolari билан таъминлаш чорасини кўриши тўғрисидаги ёпишмасини ишобатга олиб, 9-мактаб ўқувчилари учун турғам ва мансий хизмат касб-ҳунар коллежининг бир қисмида ўқувчиларни давом эттиришларига барча шароитлар яратиб берилди. Ушбу мактабнинг 10-11-сентябрдаги 120 нафар ўқувчи йилги олинган коллежда ўқиниш давом эттирмоқда.

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

У Олимпиадаларнинг икки марта кумуш медали совриндори: 1996 йилда Атлантада, 2000 йил Сиднейда ана шундай шарафга муяссар бўлди. Пу-санда эса эркин кураш бўйича мусобақа қатнашчиларининг финалида ҳам гиламга тушди. Кўп минг сонли томошабинлар билан тўлган зал сукунатда. Кураш бор-йўли бир минута 22 секунд давом этди. Артур Таймазов ўз усулларига содиқ қолди ва соф галабага эришди.

Газетамизнинг 4-саҳифасига қарама.

Кураш GAISF аъзоси бўлди

22 октябрь кун Швейцариянинг Шюрих шаҳрида Кураш халқаро ассоциацияси (IKA) раҳбарияти GAISF - Халқаро спорт федерациялари бек ассоциацияси кўмитаси мажлисида иштирок этди. Ўтган беш йил аввал ташкил этилган ушбу ассоциациянинг мақсади барча етакчи халқаро спорт турларини бирлаштиришга қаратилган бўлиб, бугунги кунда спорт оламида Халқаро Олимпия Кўмитасидан сўнг нуфузи бўйича иккинчи ўринда турувчи халқаро ташкилот саналади.

Мажлисида IKA президенти Комид Юсупов маъруза қилди ва унда GAISF раҳбарларини ўзбек миллий курашининг тарихи ва бугунги кун билан таништирди. У спортнинг бу тури учун минг йиллик тарихга эга бўлса-да, кураш Ватани - Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейингина бутун дунёда ривожлана бошлаганини таъкидлади. GAISF раҳбарлари ривожланиш суръатларига кўра спорт оламида курашга тенг келадигани йўқлигини, бунга кўп жиҳатдан IKAнинг Фахрий Президенти ва кураш Ватанининг Президенти Ислам Каримовнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда унинг халқаро сиёсий майдондаги ому-этибори сабаб бўлганини эътироф этишди. Кўмига IKA GAISFга аъзолик талабларига тўлиқ жавоб беришни тан олиб, IKAнинг бу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш тўғрисидаги аризасининг яқдиллик билан қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, GAISFга аъзолик дунёда ривожланаётган ҳар қандай спорт тури учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Олимпия Ўйинлари дастурига киритилиши учун мажбурий талаб ҳисобланади. Элликка яқин халқаро спорт ташкилотлари кўп йиллар давомида GAISFга аъзо бўла олмаётган ҳам бундан далолат беради. Демак, ўзбек миллий спорт тури ўзининг дунёвий ривожига ҳал қилувчи босқичга қадам қўйди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э.М.Ғаниевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар комплекс раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар комплекс раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 октябрь

Ўзбекистон — Полша

Замини истеъдодларга бой юрт

Ўзбекистон амалий санъат музейининг фахрий меҳмонлар дафтарида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Полша Республикаси Президентини Александр Квасневскийнинг рафиқаси Иоланта Квасневская ўзининг миннатдорлик сўзларини ёзиб қолдириди. Квасневская хоним бу ерда намойиш этилган ва ҳақли равишда Ўзбек халқ санъатининг хазинаси деб аталадиган бетақоррор экспозиция билан таниди.

Бу ерда жуда гўзал ва нарисопол идишлар, тўқувчилик, каштачилик маҳсулотлари, гиламлар, миниатюралар, заргарлик, ўймакорлик буюмлари намойиш этилган. Музей биносининг ўзи XIX аср охирига оид меъморий ёдгорликдир. Кўп асрлик тарихи давомида амалий санъат ўзининг ажойиб, ёрқин, бағий услубига эга бўлди. У халқнинг ҳаёти, удумлари, анъаналари билан боғланган, одамларнинг эстетик қарашлари ифодасига айланган. Амалий аҳамиятга эга ҳар бир буюмда уста истеъодли, гўзалликка интилиши акс этган. Музей экспозициясини кўздан кечирган юқори мартабали меҳмон бунини алоҳида таъкидлади.

Республикаимиздаги энг йирик бозорлардан бири - Олой Бозорига ташриф ҳам Иоланта Квасневская катта қизиқиш уйғотди. Пойтахтимизнинг ўзига хос меъморий ёдгорлиги бўлган ушбу бозор саҳий, меҳмондўст заминимизнинг мевадлари, турли товарлар ва хизматларнинг кўпчилиги билан меҳмонларни дол қолдиради.

— Ўзбекистон қадим тарихига эга мамлакат. Полшада уни ўрганишга қизиқиш катта, — деди Иоланта Квасневская. — Бу соҳадаги алоқаларни кенгайтириш ҳам халқларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилди.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Тадбиркорлар билан учрашув

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Полша Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодий бўлими билан биргаликда ташкил этилган иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича иккинчи Ўзбекистон-Полша семинари бўлиб ўтди.

Унда саноат, қишлоқ хўжалиги, электрон ва дастурий технологиялар соҳасида иқтисодлаштирилган банклар, фирмалар, компаниялар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этди. Ушбу тадбирдан қўзланган мақсад ўзбек ва поляк тадбиркорлари ўртасида иқтисодий ҳамда савдо соҳасида икки томонлама ўзаро фойдаланиш ҳамкорлиги учун мавжуд имкониятларни ўрганишдан иборат.

— Узаро муносабатларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ва Полша Республикасини Президентини Александр Квасневскийнинг қўшма қоммуничеси муҳим воқеа бўлди. Бугун эса биз икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини яна бир ҳужжат билан бойитдик - Ўзбекистон Товар и-

лаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ташкилотимиз ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди, — деди семинарда Полша Давлат хўжалик палатаси раисининг ўринбосари Ю.Доховски.

Мазкур ҳужжат мамлакатларимиз тадбиркорлари ўртасида савдо айрибошловини кенгайтириш ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун катта имкониятлар очиб беради. Ўзбекистон тадбиркорларининг Полша Республикасига бориб, маҳаллий бизнесменлар фирмалари ва компанияларининг иқтисодий аҳолини амалий жиҳатдан ўрганиши ҳамда фаолияти билан танишиши бу борада муҳим қадам ҳисобланади.

Ж. РАҲУПОВ, ЎзА мухбири.

БЕВОСИГА МУЛОКОТ Давлат божхона кўмитаси раисига саволларингиз борми?

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

• Мамлакатимизда божхона қонунчилиги устуворлигини таъминлаш борасида амалга ошириляётган ишлар Сизни қизиқтирадими?

• Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимида қандай саволлар туғилмоқда?

• Мамлакатимиз ички бозорини ҳамойлаш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек, ноқонуний товар моддий бойликлар ҳаракатланишининг олдини олиш борасида божхона тизимида қандай тўсиқлар мавжуд, деб ўйлайсиз?

Хуллас, божхона тизимидаги ўзгаришлар, ислохот олдими-ларига онд савол, тақлиф, мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, 2002 йилнинг 5 ноябрь кунини соат 10.00 дан 12.00 гача (8-371) 120-76-41 рақамли телефонга кўнғироқ қилинг. Сизни Давлат божхона кўмитаси раиси Раваҳан ХАЙДАРОВ шахсан эшитишни ва саволларингизга жавоб беради.

Агар саволларини олдиндан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 136-07-94 телефони ёки (8-371) 133-52-55; 133-57-34 факслари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Тақдирот

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети "Jurnalist" ўқув газетасининг сўнги олинчи сонидagi факультетда телерадиомаказ очилгани, ахборот ва технологиялар ресурслари ишга туширишга берилган катта эътибор бўлса, шу билан бирга буни факультет талабаларининг журналистик маҳоратини ошириш мақсадида қилинган хайрли иш, деб баҳолаш ўринли бўлур эди. Рақамли телестудия ва ризограф Сорос фонди томонидан ажратилган грант хисобидан ўрнатилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳаммаси бўлажак журналистлар учун

Кун кеча мазкур олий даргоҳнинг журналистика факультетда ўқув радиостудияси, ахборот-ресурс маркази, миниптография ҳамда шу факультет олимлари томонидан ёзилган ўқув адабиётларининг тақдироти бўлиб ўтди. Вазирлар Мақомазининг 1999 йил 26 февралдаги "Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган радиостудия ва ахборот-ресурс марказида теле ва радио журналистика маҳорати асослари бўйича талабалар учун амалий машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, бу ерда бир вақтнинг ўзига тасвирга олиш ҳамда монтаж ишларини ҳам бажариш мумкин бўлади. Ахборот-ресурс марказида бўлажак журналистлар факультетнинг профессор-ўқитувчилари Интернет тизимидан зарур маълумотларни оладилар, ўзларнинг ижодий ва илмий ишларини тайёрлайдилар. Рақамли телерадиомажмуа ва Интернетта уланган компьютер тизими ахборот глобаллашуви жараёнида юқори сифатли ахборот технологиялари билан ишлаш оладиган, маълумотларни тез ва самардор олиб, қайта тайёрлайдиган журналист кадрларни етиштиришга мўлжалланган. Шуниси

Умида ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Ғолиб дарсликлар

1999 йил 3 сентябрда Вазирлар Мақомазининг "Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамиятлари ва уларга аъзо давлатлар ўртасидаги Шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир мамлакатимиз ҳукуматининг комплекс дастури ҳақида"ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ Халқ таълими вазирлиги ҳамда Франция элчихонаси ўртасида француз тили дарсликларини ҳамкорликда яратиш бўйича лойиҳа тузилди. Лойиҳа асосида Франциянинг Версаль академияси ҳузуридаги Мутахассислар қайта тайёрлаш институти (IUFM) ходимларидан иборат бир гуруҳ мутахассис мамлакатимизда бўлиб, 5-6-7-синфлар учун "Француз тили" дарсликларини қўлемларини мукамаллаштиришга мўлжалланди. Ҳамкорлик самараси ўлароқ, бу дарсликлар ўтган йили Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осие таракқиёт банки томонидан эълон қилинган танловда ғолиб топилди. 2002-2003 ўқув йилида улар барча мактаблардаги кам таъминланган оқиллар фарзандларига бепул тарқатилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Рибсий Журавнинг Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллада ва Мухтор элчиси Жак Андре Костиль билан учрашувида ҳамкорликдаги бундай хайрли ишларни давом эттириш ҳусусида гап борди.

Хулқор СОДИҚОВА, ЎзА мухбири

Туризм — маданий тараққиёт мезони

"Ўзбектуризм" миллий компанияси ва Жаҳон туризм ташкилотининг "Ипак йўли" мавзусига бағишланган тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон 1997 йилдан буён бу ташкилотнинг тенг ҳужули аъзоси. Мазкур халқаро анжуманини ўтказишдан мақсад дунё иқтисодий ҳазинасига кирган қадимий меъморий ёдгорликлар асосида ўзбек халқининг маданияти, тарихи ва анъаналарини, мамлакатимиз сайёҳлик салохиятини тарғиб этишдир. Шунингдек, анжуман хорижий меҳмонларни Буюк ипак йўли марказларидан бири бўлган Ўзбекистон билан яқиндан таништириш, мамлакатимиз туризм саноатида хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган. Хориждан сайёҳларни жалб этишга хизмат қилади. Сайёҳлар оқимини таъминлаш бўйича Ўзбекистон имкониятларини аниқлаш таҳлили шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилса, мамлакатимиз йил бўйи сайёҳларини қабул қила олади. Таъкидлаш жоизки, Тошкент ва Самарқандга ўтказилган аввалги мажлисларда тинчлик маданиятига ўтиш эълон қилинган ва Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш асослари яратилди. ЖТТнинг тўртинчи мажлисида Бухоро декларациясининг қабул қилиниши кутулимоқда. Унда иштирокчилар дунё маданий меросини сақлаш ҳамда халқаро сайёҳлик алоқаларини ривожлантириш орқали умуминсоний қадриятларини эркин алмашиш асосида жаҳон халқлари ҳамкорлиги таъминлиги асосида ҳамкорликни тасдиқлайди.

Жамшид РАУПОВ, ЎзА мухбири.

Узилмас робиталар

Хотин-қизлар ҳамкорлиги

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси делегацияси Япония Аёллар таълими халқаро ассоциацияси тақлифига биноан Кунчиқар мамлакатда бўлиб қайтди, — дея хабар беради «Жаҳон» АА мухбири. Делегация аъзолари қатор давлат ва жамоат ташкилотларида музокаралар ўтказиб, аёлларнинг ижтимоий фаолияти, ёшлар тарбияси, оналар ва болалар саломатлиги ҳамда бошқа долзарб мавзуларда ўзаро фикр алмашишти. Қизқарқил учрашувлар, шунингдек, Токиода жойлашган Меҳнат қилувчи аёллар маркази, Сетагая аёллар жамияти, Китазава даҳасидаги қариялар уйи ва бошқа жойларда ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясининг Кунчиқар мамлакатда бўлиши давомида қатор анжуман ва симпозиумлар уюштирилди.

Киотода ўзбек сўзаналари

Киотода маданият маркази ва сайёҳларга ўта гавжум шаҳар эканлигини таъкидлади. Таъбирда санъатшунос Фумико Накаяма хотин сўзга чиқиб, яқин келажакда ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда япон ёшлари учун сўзана тикиш курсларини очиб ва бу борада япон тилида махсус дарслик ёзиш ниятида эканлигини маълум қилди. Дарвоқе, Ф.Накаяма бир неча йиллар давомида ўз мактаби ҳамда "ННҚ" телекомпаниясини орқали жаҳон халқлари, хусусан, Жанубий Америка қитъаси, шунингдек, Жанубий ва Шарқий Осиё минтақалари турларининг амалий санъат турларини мамлакат ёшларига ўргатиб келмоқда. Унинг йўлиб 10 миңдан зиёд шогирдлари бор. Ф.Накаяма анъанавий тикиш ва тўқуш услубларининг ноёб устаси бўлибгина қолмай, балки бу мавзуда ёзилган қатор ўқув қўлланмаларининг муаллифи ҳамдир. Аини пайтда Ф.Накаяма Ўзбекистоннинг туризмининг вилаетларида бўлиб чопида йўқдан янги кўргазма экспонатларини

Куотода ўзбек сўзаналари

намоиш этимоқда. Узининг мамлакатимизга қилган сафари давомида у ўзбек сўзаналярининг тарихи ва бугунги кунини билан яқиндан танишган. Фаргона, Самарқанд, Бухородаги қўли гул усталар сўхбатига бўлиб, сўзана яратиш жараёни, унда ишлатилаётган ипак ёки пахтадан тайёрланган матолар технологияси ва табиий бўёқлар тайёрлаш услубларини кузатган. Инсон ҳаётининг кўп қирралиги, дунё чархлаланишининг давомийлиги ва она табиқатнинг гўзаллигини ифодаловчи ўзбек сўзаналяри бир-бирини тақдорлашгани билан ҳам бошқа халқларда мавжуд шу каби амалий санъат турларидан кескин фарқ қилади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Киото шаҳрида очилган мазкур кўргазма миллиятимизнинг асрлар оша мукамал санъат даражасида яхши сақланиб келаятган бебаҳо асарлари билан япон халқининг яқиндан таништириш имкониятини беради.

Б. АЛИМОВ, "Жаҳон" АА, Япония.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан

Бош қомус ва демократик институтлар ривожу

8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун — мустақил Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга молик воқеадир. Мамлакатимиз халқи бу кутлуг байрамни ўнчинчи марта нишонлаш арафасида. Зотан, муқаддас заминимизда яшовчи ҳар бир инсон Бош Қомусимизнинг ҳаётимизга таъсирини теран ҳис этган ҳолда унга асо қилиб олинган инсонпарварлик, адолат, эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик ғоялари кундалик турмушимизда рўбга чиқаятганига ғувоҳ бўлмоқда.



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳномалигида ишлаб чиқилган Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ўзининг кенг ифодасини топаётган бўлиб, у инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустақкам пойдевор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суви ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бош қомусимизнинг 10 йиллигига бағишлаб "Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллиги ва демократик институтларнинг ривожланиши" мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди. Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган таъбирда пойтахт туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, ташкилотлар, жағмармалар раҳбарлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди. Анжуманда Конституциянинг "Конституциявий назорат - мустақил Ўзбекистон Конституцияси устуворлигининг муҳим қаролати", Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидовнинг "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимида Омбудсманнинг тугган ўрни" мавзусидаги маърузалари тингланди. Таъбирда таъкидланганидек, Конституциянинг ижобий таъсири мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг демократлашувида, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида, иқтисодий соҳанинг эркинлаштирилишида, жамиятнинг маънавий янги-ланганида, халқнинг моддий фаровонлиги барқарор ошиб бораётганида яққол намён бўлмоқда. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар қилма-қилгини асосида ривожланимоқда. Мамлакатимизда кўптартибийлик шаклланди, жамоат бирлашмаларининг тугган ўрни тобора ортиб бормоқда. Конституция ўзбек давлатчилигининг тарихий ривожланиш таърихига, халқимизнинг урф-одатлари, маданияти ва анъаналарига таъиниш муҳим омил бўлаётди. Айниқса, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, демократик таъминлаш олдидан демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш тўғрисидаги масала Конституциямизда ўз ифодасини топанганлиги мамлакатимиз учун гоат катта аҳамиятга моликдир. Анжуманда Конституция ёшларини бой маланий меросига, тарихий анъаналарига, умуминсоний қадриятларига ҳурмат, мустақиллик ғояларига садоқат рўида тарбиялаш, давлат муҳим аҳамията эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу боис унинг моҳиятини ақолининг барча қатламларига етказишда маҳаллий давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг маъқени янада ошириш зарур.

Бехзод НОРОБОВ, ЎзА мухбири.



«ОХАНГАРОНЦЕМЕНТ» МАҲСУЛОТЛАРИ

«Охангаронцемент» очик турлагу хиссадорлик жамияти энг йирик корхоналардан бири бўлиб, республикамиздаги деярли барча қурилиш иншоотлари ҳар йили 1 миллион 700 тоннадан зиёд сифатли цемент етказиб беради. Бу ерда, шунингдек, минерал момиқ ва унинг асосида тайёрланган инсиндикни сакловчи материаллар, турли хилдаги ўта чидамли гипслар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Аини кунларда ушбу корхонада 1910 нафар малака иши-хизматчи ишляпти. Уларга барча шароитлар муҳайё этилган. СУРАТДА: бош технолист ўринбосари Вячеслав Кочетков (ўнгда) ва машинист Александр Янович. Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Ислохот мевалари

Фермерлик ҳаракати ўзини оқлади

Каттақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоат ҳўжалигида қатор йиллардан бунён пахта тайёрлаш режаси бажарилмас, ҳосилдорлик гектарига араг 20-22 центнерни ташкил этади. Бу ҳол туман ҳокимлиги, ҳўжалик деҳқонларини қаттиқ тавшишга солди. Жамоат аъзоларининг ўтган йилги ҳисобот йиғилишида қолоқлик сабаблари кенг муҳокама этилди. Ҳамма бир қарорга келди: ерни фермерларга бўлиб бериш керак, шунда ер ўз эгасини топади. Қўнчилик тақлифи билан ҳўжалик фермерлар уюшмасига айлангилди. Пахта майдонлари деҳқончиликка меҳр қўйган, жон қўйибди меҳнат қилаётган одамларга бўлиб берилди. Жорий йилда ишга астойдил киришган фермерлар катта муваффақиятга эришилди. 177 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, Каттақўрғон туманида биринчи бўлиб ғалаба ҳўжалигига имзо чекинди. Биз яқинда фермерлар далаларига давганимизда, уларнинг ишжаотларига ҳўганимиз келди. Эрта тонгдан оқпахтазорнинг файзи-таровати ўзгача. Белгита фарқуқ боғлаган чеварлар чанқолардаги лўпчи-лўпчи пахталарни чаққонлик билан тераятганини кўриб, завқинг келди. Бойси теримчилар «оқ олтин» хирмони янада юксак бўлиши учун фидоқорона меҳнат қилишмоқда. — Бу далалар Эрташ Тилолов раҳбарлиги қилаётган фермер ҳўжалигига тегишли, — деди фермерлар уюшмаси раиси Топиб Санакўлов. — Азаматлар ҳар гектар ердан 35 центнердан ошмаше йиғиштириб олдилар. Энди ҳосилдорликни 50 центнерга етказишмоқчи. Топиб Санакўлов билан сўхбатимиз қизиб турганда ёши элликлардан ошган, ўрта бўйли киши келиб қолди. — Эрташ Тилолов шу киши бўлади, — таништириди ҳамроҳим. Афеуски, нақд пул билан «ўйнашиш»ни касб қилиб олганлар вилаетнинг чекка қишлоқлари ва туманларда ҳам учраб турибди. «Олд ҳожи» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёнлиг қўйиш шохобчаси Чимё қишлоғида жойлашган. Ёнлиг сотишга масъул қилиб белгиланган С.Абдурахмонов сотувдан туш-

Аскар ЖАЛИЛОВ.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Фаргона вилаети прокуратураси қошидаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси ходимлари аини шу долзарб муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилишди. Уларга бундай дадил, кескин, фавқуллода иш юритишга Вазирлар Мақомазининг "Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори туртки бўлди.

рим қилмасдан ва банқа топнаётганлиги ҳам маълум бўлди. Бироқ савао дўқони раҳбари А.Раҳимовдан тортиб катта-кичик сотувчиларга — бирортаси уларнинг қаредан сотиб олинганлиги ҳақида дурустоту тушунтириш ёки маълумот беришга олмади. Устига устак, дўқон фаолияти тафтиш қилинганда, 119 миллион 819

линган эҳтиёт қисмлар сақланаётганлиги ҳам маълум бўлди. Бироқ савао дўқони раҳбари А.Раҳимовдан тортиб катта-кичик сотувчиларга — бирортаси уларнинг қаредан сотиб олинганлиги ҳақида дурустоту тушунтириш ёки маълумот беришга олмади. Устига устак, дўқон фаолияти тафтиш қилинганда, 119 миллион 819

Нақд пул

Банк орқали айланаяптими ёки ундан ташқарида?

берувчи лицензиясини яшириб олиб қўяди. Қонуний тадбиркорнинг исм-фамилияси ўрнига ўзининг исм-фамилиясини ёпиштириб, лицензиядан нуска қўчириштириб олади. Кейин мана шу қандаки ҳужжат билан ароқ-пиво ишлаб чиқариш корхоналари, ихтисослаштирилган оромхоналардан спиртли ичимликлар харид қилиб, уларнинг савдоси билан қизгини шутуллана бошлайди. Учар ароқфуруш қисқа вақт ичида 250 миллион 756 миң сўмлик спиртли ичимликлар билан савдо қилиб, товар айланмасини амалга оширди. Қалбаки ҳужжат билан иш юритаятгани етмаганида, савдодан тушган 98,5 миллион сўм пулни назорат кассасига ки-

билланнинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи "Зумрад" дўқонини қўчилик яхши билди. Унинг долруғи ҳатто қўшин Амижон ва Наманган вилаетлари, қарош Қирғизистон Республикасига ҳам ёнлган. Афеуски, йиллар давомида жамоатнинг топган офру ва эътибори бир кунда тўқилди қолди. Солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармасининг тезкор ходимлари бу ерда савдодан тушаётган пулларнинг ундан бир қисмини банкка топширилмасдан, хўфинаётганини аниқлашди. Савао дўқони омонбон текширилганда, 64 миллион сўмлик қандайдир қарид қўйилганлиги номалум бўлган, ҳеч қандай ҳужжатларисз олиб ке-

миңг сўм нақд пул назорат кассасига апаратыга кирим қилинамаганида, янни банқа топширилмаганига оинко бўлиб қолди. Энди ўзиниғиз ҳисоб-китоб қилинг: омонбонга товарларнинг қардан олиб келинганлигини, боғжона тўловлари тулганлигини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар пухта-пишиқ бўлганида, кимга фойда-у, кимга зарар эди? Банқа топширилмасдан, қимлариниғлар қўлда айланиб юрган салкам 120 миллион сўм маблаг қонуний ҳужжатлаштирилганида, у дўқон фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилмасми? Амадада эса мазкур ҳолатлар бўйича қўзғатилган жиний иш тугатилиб, шаҳар судига ҳавола этилди.

ган нақд пулни назорат кассасидан ўтказишга эринганини ёки бошқа ниятни қўзғатганини, бу биргина унинг ўзига аён. Лекин бир кунлик савдодан тушган 460 миң сўм нақд пул назорат-касса аппаратыга кирим қилинмаганига аниқ, Фирма фаолияти тафтиш қилинганда, йил давомида 38 миллион сўм нақд пул банкка топширилмаганига очилиб қолди. Мазкур ҳолат юзасидан жиний иш қўзғатилди. Нақд пул банк фаолиятининг қон томири қосибланиди. Чунки нафақалар, бюджет муассасалари ходимларига тулнандиган маошлар асосан нақд пул орқали тарқатилди. Агар у бўлмаса, мажорий қилиб айтганда, банкларнинг қўзи кўр, қулони қар бўлиб қолади.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар




ганлигини ҳис қилиб турди. Ғалабасининг моҳиятини ана шу туйғу билан боғлайди Артур. Артур камеуқумлиги билан бирга камгап ҳам.

Музаффарлик қувончи

Артурнинг акаси Тимур отир атлетика бўйича олимпиада чемпиони. Эркин курашга кўнгли қўйган Артур эса ҳозир фақат вице-чемпион. Артур 21 ёшида Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида кумуш медални қўлга киритди. Албатта, бу ўз-ўзи билан бўлган эмас. Олимпиаданинг олтин чўққисига қўнғи учун у қанчалар зиналари босиб ўтмади, дейсиз. 2000 йилги Хитойнинг Гулин шаҳрида ўтказилган мусобақаларни эсламиз. Бу ерда нафақат олтин медал учун, балки Сиднейда қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензия учун ҳам қаттиқ кураш кетди. Ушунда Артур барча рақибларининг ку-

Ўзи ҳақида гапирганда «Кураш менга ёқади, ўн йилдан бери шуғулланман», дейди. Ўз ғалабаси ҳақида ҳам оғиз кўпиртиришни ҳуш кўрмайди: «Нима ҳам дердим, мен Ўзбекистон учун курашдим ва ғалаба қилдим. Сиз журналистлар мени яхши биласизлару...». Ҳатто у Пусандаги улкан муваффақияти ҳақида ҳам гапни мухтасар қилди: «Ҳамма рақибларим кучли эди, айниқса финалдаги эронлик курашчи зўр эди!» Дарҳақиқат, эронлик Аббос Жадида Атлантадаги Олимпиада ўйинларининг кумуш совриндори эди. У билан «орани очиқ» қилиш учун Артурга бир дақиқа-ю, 22 секунд ке-



Ўлкамизда — олтин куз



Нурматжон МУХАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.

Табарруқ қадамжолар

Нурота муқаддас қадамжолардан биридир. Уни Магрибу-Машиқда ҳам билишди. Тарих саҳифаларига Нур шаҳри деб муҳрланган. Шарқу Ғарбни боғлаган «Буюк ипак йўли»даги хушманзар манзил қадамда карвонлар учун энг бехатар жой ҳисобланган. Негаки, карвонлар фақат Нур қалъаси оққалиғина шаҳарга ўтиб қайтишган. Бундай имконият бошқа ҳеч бир жойда учрамайди. Шаҳарнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам ана шу қалъага бориб тақалади.

мавжуд. Бир қатор хасталикларни даволашда кўп келади. Тиниқ сувда кичкинагина тошини ҳам, энг митти гўёқни ҳам ойнада кўргандек кўрасиз. Айниқса галла-ғалла «Авлие» ба-ликларни ҳайратомуз кузатаркансиз, ҳайратингиз янада ошади. Айтишларича бир зум уларнинг ҳаракатларига боқиб турсангиз, рудингиз энгилдлашиб, кунглингиз равшан тортар, вуждингиз дарддан фо-

лом дини тарғиботчиларидан ҳисобланган Шайх Нурий қабри бор. «Бухоро тарихи» китобида ул зот ҳақида Шайх мақбарасини зиярат қилиш учун Нур шаҳрига борилиши таъкидланган. Шундай улкан, тарихий мажмуа шу ёрлар қатағониде таъйиқ ва таъқиб остида турди. Талай қисми бузирилиб, харобатга айланган. Кейинчалик галла ва кужут сақла-

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўғий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар — 136-29-89; 132-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08; Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙҮЛДОШЕВА. Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Муҳассиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6

Нуротадан нур таралади

М аълумки, эрамыздан аввалги 300 йилларда грек саркардаси Александр Македонский Урта Осиёни забт этган. Ривоятларда ёзилишича, Искандаршоҳ йўлда кетаётган, дам олиш учун тўхтади. Лашкарбонилардан бири тасодифан тоғ бағрига осмондан нур ёғиладганини сезиб қолади. Искандар ҳам қизиқиб, бориб кўради. Чиндан ҳам мўъжиза — булоқ устига нур ёғиляпти, кўтариляпти. Жозибали манзар ашоҳни ҳайратлантиради. Сипоҳларидан қолдириб, булоқ атрофини обод қилишни буюрди. Шу тарихқа баъзан да мустаҳкам қўрғон қурилади. Чор атрофда 360 та қориз қазилади. Юрт обод бўлади.

на работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиярат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболага қиладилар. Нур зияратига борган киши ҳаж қилган (кишининг) фазилатига эга бўлади: У зияратдан қайтиб келганда табарруқ жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавозабанд қилиб бетадилар. Бу Нури бошқа вилоятларда Нури Бухоро, деб атайдилар. Ривоятлару, афсоналарнинг бариси шаҳарнинг юқори қисмидаги улкан Чашмаи удуғлашга бориб боғланган майдон бор. Айтишларича, қирқ нафар гўзал қиз юришганда юртин ёв босибди. Асир тушишдан кўра ўзини афзал билишибди, улар, Худодан ўзларини тошга айлантириб қўйишни сўрашибди. Халқ, сайлавди, оммавий маросимлар айнан шу ерда ўтказилишича ҳам маъно бор: жисми тошга қўнган қизларнинг руҳлари шод бўлармиш. Х асрининг ноидир асари А.Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида шундай таъриф бор: «Нур қатта жой, унда Масжиди жоме бор. У кўпги-

риг бўлармиш. Уларни табарруқ билишди ва асло озор беришмайдилар. Зияратчилар ёмишлар табиҳа, турлича товланшлардан завқ олишди. Балқилар давлат муҳофазасига олинган. Чашма тарихий меъморий мажмуи таркибига «Нур устун» жоме масжиди, қатта гўмбаз масжиди, Шайх Абду Ҳасан Нурий мақбараси, «Нур қалъаси», Нур чашмаси ва унинг «Авлие» баликлари, мрамор фаввора, мадрасанинг 12 та ҳужралири кирди. Аждоғларимиз ақл заковати ва меҳнати маҳсулини «Нур устун» жоме масжиди нисолда да яққол кўриш мумкин. IX асрда қад рустлаган обиди томи ичкаридан қирқта бақувват тош устунлар билан кўтарилган боис ҳам шундай номланган. Бир замонлар бино ўрнида зарбуштиларнинг ибодатхонаси жойлашгани маълумотларда қайд этилган. XV асрда Абдуллоҳон томонидан қурилган «Қатта гўмбаз» масжиди Марказий Осиёдаги тарихий обидалар орасида ўзининг улкан гўмбаси билан алоҳида ажралаиб турди. Сал нарид IX асрда яшаб ўтган, Ис-

рагини ерга тегизди — чемпион бўлди. 2001 йилда эса жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳибига айланди. Бугун эса Осиё ўйинлари олтин медалини қўлга киритди. Артур серкўш Ўзбекистонни жон дилидан севади. Унинг ғалабалари учун ҳар гал Ўзбекистон гимни янграганда баҳодирнинг юраклари ҳарқибди кетади, унга янги куч-қувват ато этаётгандай бўлади. У ҳатто Пусанда туриб ҳам ортда йиғирма беш миллионлик халқ кузатиб турганлигини, Ўзбекистонда юрт шаъни ва шарафи учун курашаёт-

рак бўлди. Шундай таниқли полвонни 10:0 ҳисобида ютиш учун қанчалик маҳорат кераклигини ўзингиз ҳис қилаверинг. Олдинда Афина баҳслари турибди. Таймазов бу мусобақалардаги рақибларига ҳам ажойиб «совға»лар тайёрламоқда. Шундай қилиш керакки, она Ватанинг сендан гурурлансин. Шундагина юртингга қайтганингда сени гуллар ва қарнай-сурнайлар билан қутиб олишга чиққан ҳамюртларинг, дўстларинг, устозларинг юзига қувонч билан қарай оласан.

Сергей ДАНИЛОВ.

СУРАТДА: ҳақам XIV Осиё ўйинларида чемпио билган Артур Таймазовнинг қўлини кўтарган пайт. Ҳа, музаффарлик қувончи шундай бўлади!

ҲИҚМАТ Муллоим такаллум ваҳишларни уфат сори бошқарур.

SIEMENS So склада в Ташкенте и по контракту у учрежденческие СИСТЕМЫ СВЯЗИ Сервис 24 часа в сутки Help Desk (консультации клиентов) Гарантийное и контрактное обслуживание Квалифицированный монтаж и наладка оборудования Техническая поддержка и обучение клиентов сертифицированными специалистами Гибкая система скидок Сертифицированный №1 БИЗНЕС-ПАРТНЕР в Республике Узбекистан Aleks Telekom

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- физиология, анатомия асослари ва патология — муди́р (фан доктори ёки фан номзоди); аналитик кимё — муди́р (фан доктори ёки фан номзоди); пиллар кафедраси — муди́р; ботаника — доцент (2), ассистент (1); биология кимё — доцент (1), катта ўқитувчи (1); тайёр дори турлари технологияси — ассистент (1); биотехнология — доцент (4); ноорганик, физик ва коллоид кимё — доцент (1), ассистент (2); иқтисодиёт ва демократик жамият қуриш назарияси — катта ўқитувчи (2); фармакология — доцент (1); фармацевтик кимё — катта ўқитувчи (2); органик кимё — доцент (1); дори турлари технологияси — доцент (1); токсикология кимё — доцент (2), ассистент (1); физика курси — доцент (2), ассистент (1).

Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. Манзили: 700015, Тошкент ш., Ойбек к., 45-уй. Телефонлар: 56-38-47, 56-32-46, 56-38-50.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси етакчи мутахассиси Сураий АЛИМОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги таркибидagi «Узсуназорат» республика суа инспекцияси жамоаси инспекция бўлими бошлиғи Одижон Қодировга волидан мухтарамаси ПАТИХОН аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Малайият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва театр ижодкорлари уюшмаси Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри директори Абдушўрр ШОМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси ва «Узўлмасервис» илмий ишлаб чиқариш тажриба корхонаси жамоаси корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор муовини Алшариф Додоновга вафоти билан мухтарамаси ИБРОҲИМ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.